Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 215 (4613).
22 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
СЕШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Собир Раҳимов район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Кун тартибидаги биринчи масала «КПСС Марказий Комитетининг «КПС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари З. Абдураҳимов доклад қилди. Музокараларда «Компрессор» заводи партия комитетининг секретари Н. Олтибоев, 5-автопарк директори В. Раҳимов, 6-қурилиш трести комплекс бригадасининг бошлиғи С. Котов ва бошқалар иштирок этдилар.

Иккинчи масала юзасидан «СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш бўйича Собир Раҳимов райони меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятлари тўғрисида» район партия комитетининг секретари Н. Иброҳимова доклад қилди.

Шунингдек пленум қатнашчилари Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг III пленуми талаблари асосида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича район партия ташкилотининг вазифаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ана шу масала бўйича район партия комитетининг иккинчи секретари В. Мурашов доклад қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Мухбирлар марказий хабар қилади

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ниҳоясига етмоқда. Бугунгача 2668 партия группасида ва 1773 цех партия ташкилотларида партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу улар умумий сонининг 96,7 ва 73,4 процентини ташкил этади.

2-автокомбинат, тез медицина ёрдами клиник шифохонаси, сут саноати бирлашмаси, транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси партия группаларида, 2-темир-бетон буюмлари, трактор заводлари, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси цех партия ташкилотларида йиғилишлар юксак ташкилий-сиёсий савияда ўтди.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-цехи ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар Т. Ешченко, Р. Риженкова ўн биринчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажариш ва ҳар бири қўшимча 35 релени созлаш мажбуриятини олишди. Р. Риженкова 1 сентябрдаёқ йиллик топшириқни адо этган эди. «Средазтрансстрой» трести-нинг 820-қурилиш-монтаж поезди монтажчиларининг бригадирлари В. Дегов ва В. Некрасов йиллик топшириқни 7 ноябргача бажариш мажбуриятини олишди.

«Узбекхлопкомаш»-нинг механика цехи бригадири, шаҳар партия комитетининг аъзоси Т Игумнов ҳисобот-сайлов партия йиғилишида сўзга чиқиб, беш йиллик топшириқни 2.5 йилда бажариш мажбуриятини олди.

Заргарлик заводи металл буюмлари цехининг коммунистлари А. Мухсимов ва Н. Галиев барча коммунистларни «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат вахтасида туриб ишлашга даъват этди.

«Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг 1-заводи тери ҳом ашёси цехи ҳисобот-сайлов йиғилишида цех коллективининг ўз зиммасига олинган социалистик мажбурият олгани, 1981 йил планини 27 декабргача бажариш, планга қўшимча қўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш, 30 тонна ҳом ашё ва 1015 киловатт-соат электр-энергияси тежашга аҳд қилганини билдиришди. 1-пойафзал фабрикаси тикувчилари 8-цех партия группаси йиғилишида йил охиригача икки йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилишди.

ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР

Каноп фабрикаси тўқув ишлаб чиқариш бўлими партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар дастгоҳлар ремонти бўш ташкил этилгани муносабати билан фабрика маъмурияти шаънига эътироз билдиришди.

Ҳайдовчи Ш. Ҳолмуҳамедов 3-автопарк шаънига туғри смена-да ремонт қилувчилар иши қониқарсиз бўлаётгани учун танқидий мулоҳаза билдирди.

6-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш-техника комплектлаш бошқармасидан коммунист А. Бадалов оммавий-сиёсий ишлар бўшлиғидан юборилгани учун партия бюросини кескин танқид қилди.

ТАДБИРЛАР КЎРИЛДИ

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирилган кўпгина танқидий мулоҳаза ва таклифлар амалга оширилди.

«Главташкентстрой»-нинг 8-тресті 4-қурилиш-монтаж бошқармаси ҳисобот-сайлов йиғилишида комплекс бригада бошлиғи В. Клочков бригада пудрати усулини жорий этиш масалалари бўйича участка бошлиқларининг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туришни таклиф этган эди. Кейинги йиғилишда шу масала юзасидан бошқарма бошлиғи Ниёзовнинг ҳисоботи тингланди.

«Учқун» бирлашмаси цехининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунист С. Маърупова коммунистлар эътиборини ёш ишчиларнинг малакаси пастлигига қаратди. У малака ошириш учун таълим группаси ташкил этишни таклиф этди. 10 августдан бошлаб, барча касбдаги ёш ишчилар учун таълим группаси ташкил этилди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 53-цехининг ҳисобот-сайлов йиғилишида слесарь Н. Литвиненко цехдаги дастгоҳлар ёритилмаётгани ҳақида мулоҳаза билдирган эди. Маъмурият кенгашида бу камчиликка барҳам бериш юзасидан тадбирлар белгиланди.

КОММУНИСТЛАР ИШОНЧИ

«Гордорстро й р емонт» тресті 2-ремонт-қурилиш бошқармаси коммунистлари Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг делегати, район партия комитетининг аъзоси С. Расулевни ўз-ларига етакчи қилиб сайлашди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 177-цехининг ҳисобот-сайлов йиғилишида «Хурмат белгиси» ордени кавалери А. Пестов тўртинчи марта цех партия ташкилотининг секретари қилиб сайланди.

6-темир-бетон буюмлари заводи бошқармаси ҳисобот-сайлов йиғилишида завод кадрлар бўлимининг бошлиғи Р. Надолинская еттинчи марта партия ташкилотининг секретари қилиб сайланди.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси 4-механика цехи ҳисобот-сайлов йиғилишида цех коммунистлари В. Ткачевни учинчи марта цех партия ташкилоти секретари қилиб сайлашди. У коммунистик меҳнат зарбдори, Меҳнат Қизил байроқ ордениниг кавалеридир.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг VIII сессияси 1981 йил 24 сентябрь соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОҚҚА — САМАРАЛИ ЁРДАМ

• «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

• ДЕҲҚОНЛАРГА — САМАРАЛИ ТЕХНИКА

• ХИРМОНЛАР КЎККА БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

ЙЎЛЛАР МИРЗАЧЎЛГА ОЛИБ БОРАДИ

Серёгин баҳор кунлари, саратон жазирамалари ортда қолди. Энди эса деҳқон учун энг масъулиятли дамлар бошланди. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш коллективлари даладаги мўл ҳосил йиғиб-териб олиш ташвиши билан яшашаяпти.

Бир ой муқаддам Фрунзе районининг саноат корхоналари, ташкилотлари раҳбарлари, партия, совет органлари ходимлари оталиқдаги Мирзачўл районида бўлиб, бевосита хўжаликларнинг ўзида район қишлоқ хўжалиги ходимларига самарали оталиқ ёрдами кўрсатиш масалаларини ҳал этдилар. Район раҳбарлари, совхозларнинг директорлари, партия йўлбошчилари билан амалий учрашувлар бўлди.

Натижада аниқ тадбирлар белгиланди, Фрунзе райони корхоналари ва ташкилотлари коллективлари ва қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида хўжаликларга ёрдам бериш бўйича шартнома имзоланди.

Мана, ҳозир Мирзачўлга зарур материаллар ортилган автомашиналар кетма-кет жўнаб кетяпти. Жумладан, «Ташоблсадвинсовхоз» тресті «Партия XXV съезди» совхозига иккита трактор, бир нечта культиватор жўнатди. «Тошкентгеолог и я» ишлаб чиқариш бирлашмаси геологлари «Советская Россия» совхози учун «ГАЗ—51», «ГАЗ—52», автомобилларини ремонт қилиб беришни белгилади. Бундан ташқари 15 кубометр ёғоч, 2 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Шу совхоз чорвадорлари шаҳарликлардан минг квадрат метр томга ёпиладиган материал, 100 квадрат метр ойна ва бошқа материалларни сўраганди. Бу илтимос қондирилди. Бундан ташқари полиз маҳсулотлари ташиш учун транспорт ажратилади.

Ўз навбатида совхоз «Ташкентгеология» бирлашмасига 100 та бузоқ, 150 та қўй, 15 тонна ғаллани арзон баҳода сотадиган бўлди.

Қишлоқликла р га Фрунзе районидаги бошқа саноат, транспорт ташкилотлари, муассасалар ҳам ёрдам беради. Айниқса, хўжаликларни малакали ишчи ва техниклар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Сегизбоев номли, Абай номли, партия XXV съезди номли, «Тошкент», «Советская Россия», «Ўзбекистон» совхозларига «оқ олтин» йиғим-терим мавсумида 42 та тажрибали слесарь, 6 пайвандчи, 15 автомобиль, 4 та пайвандлаш агрегати, 10 та бензовоз юборилади.

Селикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Партия XXIV съезди» совхозига иккита трактор, бир нечта культиватор ажратди. «Тошкентгеолог и я» ишлаб чиқариш бирлашмаси геологлари «Советская Россия» совхози учун «ГАЗ—51», «ГАЗ—52», автомобилларини ремонт қилиб беришни белгилади. Бундан ташқари полиз маҳсулотлари ташиш учун транспорт ажратилади.

Ўз навбатида совхоз «Ташкентгеология» бирлашмасига 100 та бузоқ, 150 та қўй, 15 тонна ғаллани арзон баҳода сотадиган бўлди.

Қишлоқликла р га Фрунзе районидаги бошқа саноат, транспорт ташкилотлари, муассасалар ҳам ёрдам беради. Айниқса, хўжаликларни малакали ишчи ва техниклар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Сегизбоев номли, Абай номли, партия XXV съезди номли, «Тошкент», «Советская Россия», «Ўзбекистон» совхозларига «оқ олтин» йиғим-терим мавсумида 42 та тажрибали слесарь, 6 пайвандчи, 15 автомобиль, 4 та пайвандлаш агрегати, 10 та бензовоз юборилади.

Селикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Партия XXIV съезди» совхозига тажрибали слесарлардан М. Туробов ва Х. Файзуллаевни юборди. Бу ўртоқлар пахта териш техникасини ремонт қилишда яхши тажриба орттиришди.

«Таштекстильмаш» машинасозлари оталиқдаги совхозга пахта териш мавсуми даврида бир қатор малакали ремонтчи слесарларни юборишди. Улар қишлоққа ўз асбоб-анжомлари билан боришди. Бундан ташқари совхозга 2 тонна металл прокати, 10 комплект гайка ключлари, 100 килограмм электровод юборилади.

«Промстрой к о мплект» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир қатор тажрибали слесарлари «Партия XXV съезди» совхозига ва 21—А совхозига тажрибали слесарларни юборди.

Қурилиш материаллари комбинати, экспериментал фурнитура-пластмасса заводи, марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести томонидан ҳам оталиқдаги хўжаликларга самарали ёрдам кўрсатиш бўйича вазифалар белгиланди.

Бу йил районимиз коллективлари қишлоққа салмоқли ёрдам кўрсатади. Қишлоққа 800 минг сўмлик ҳажмда турли-туман ишларни бажаришади. «Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқ бўлган Фрунзе райони меҳнаткашлари деҳқонларга қисқа муддатда «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда ёрдам бериш, улар беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришлари учун ўз ҳиссаларини қўшиши йўлида барча чора-тадбирларни кўрадилар.

Р. НОРБОЕВ,
Фрунзе район партия комитети саноат, транспорт ва алоқа бўлими мудири.



Пахтазор чорлаяпти

(РЕПОРТАЖ)

Мунис кўчасидан чанга бурилиб, 3-таксопарк ҳовлисига киришимиз билан ўзимизни қишлоқ машина-трактор паркида тургандек ҳис этдик. Бу ерда пахта териш машиналари —«зангори кема»лар тонгги қуёш нурида товланиб, саф тортиб турарди. Ундан ортиқ механизатор ва слесарь ҳали бўёқ ҳиди кетмаган «ХНП — 1,8» комбайнларининг атрофида парвона. Улар заводдан яқиндагина келтирилган машиналарни узоқ йўлга чиқишга тайёрлашяпти.

— Коллективимиз Жиззах областининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз билан ўзаро оталиқ ёрдами кўрсатиш ҳақида шартнома тузган,—дейди таксопарк директори Ҳожиакбар Исмоилович Иброҳимов. —Пахтакорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатяпмиз. Жумладан, «оқ олтин»ни териб олишда ҳар йилгидек бу йилги мавсумда ҳам механизаторлик касбини ўрганган ўттиз ҳайдовчимиз қатнашади.

Маълум бўлишича, совхоз ўзи учун «Ташсельмаш»дан ажратилган ўнта комбайнни қабул қилиб олишни таксопарк коллективидан сўраган экан. Чунки «оқ олтиқ» ҳосили учун кураш қизғин тус олган пайтда ўн кишини совхоздан шаҳарга юбориш имконияти чекланган эди. Шунда оталиқ ташкилоти «лаббай» деб жавоб берди. Шаҳарликлар «зангори кема»ларни —қизиқиб сўрадик.

— Чиндан ҳам коллективимизда пахтакорларга мададга боришни хоҳловчилар жуда кўп. Шу боисдан уларнинг олдига бир нечта шарт қўйганмиз. Жумладан, меҳнат интизомини бирор марта ҳам бузмай йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатган, шахсий йиллик планини саккиз ой ичида бажарган, мавсумда камида 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган кишигина «зангори кема»ни бошқариш шарафига муяссар бўла олади.

Биз ана шу шарафга муяссар бўлган ва ҳозир ўзларига ажратилган комбайнларни созлаётган механизаторлар билан ҳам суҳбатлашдик. Миразиз Акбаров беш йилдан бери терим мавсумида пахтазорда жавлон ураркан. У ўтган йил 130 тонна пахта терипти. Унинг ҳамкаблари Б. Мирёқубов, Г. Резников, О. Уткин ҳам ўтган йили юз тоннадан «оқ олтин» териб топширишган. Улар бу йил ҳам пахтазорда тер тўкиб, ҳар бири 120 тонналик хирмон яратиш иштиёқида.

Таксопарк слесарлари Н. Верченко ва Ю. Яковлев совхозга техника ремонтида ҳам ёрдам кўрсатилаётганини сўзлаб беришди. Шаҳарликлар шу йилнинг ўзида 50 та прицеп, 6 та подборщик, 5 та ворохоочистителни ремонт қилиб беришяпти. Беш минг сўмлик эҳтиёт қисмлар комплекти тайёрлаб қўйилган. Таксопарк механизаторлари учун яна ўнта пахта териш комбайни совхознинг ўзида сифатли ремонт қилиниб, теримга шай қилиб қўйилган. Қўрқадаги хўжаликда ичимлик сув тахчил бўлгани учун ҳар бир кўчага прицеп-цистерналар қўйилган экан. Булар ҳам таксопарк-нинг тухфаси экан.

Республикамизда ўлкамизнинг асосий бойлиги —пахта терими бошланди. Яқин кунларда шаҳримиздаги 3-таксопаркнинг одатдагидан кўра баландроқ ва кенгроқ дарвозасидан «зангори кема»лар карвони гуриллаб чиқиб, бепоён пахтазордар томон йўл олади. Уларни пахтазор чорлаяпти.

Уларнинг бункерларига «40 минг тонна», «1700 тонна», «120 тонна» сўзлари ёзилган. 40 минг тонна — Жиззах областидаги Октябрь райони пахтакорларининг, 1700 тонна — таксопарк механизаторлар бригадасининг, 120 тонна — ҳар бир шаҳарлик механизаторнинг социалистик мажбурияти. Булар Ўзбекистоннинг улкан «оқ олтин» хирмонига қўшиладиган ҳисса. Ана шу мажбуриятлар албатта, бажарилишига ишончимиз комил.

М. МУРОДОВ.

СУРАТДА: таксопаркнинг механик-ҳайдовчиларидан бир группаси.

ҲАШАРЧИЛАР КЎМАГИ

Шу кунларда Калинин районининг Оржоникидзе номли колхозида узум териш ва шаҳарликлар дастурхонига етказиб бериш-да ҳашарчилар яқинда ёрдам беришмоқда. Айниқса, хўжаликнинг 1-бригадасида йиғим-терим ишлари сифатли олиб борилмоқда. Бригада узумзорларида Тошкентдаги Қишлоқ қурилиши министрлиги ишчи ва хизматчилари ҳамда «Уздорремст р о й» трестига қарашли Тошкент хўжалик ҳисобидаги вагон-ресторанлар корхонаси ишчилари меҳнат қилишиб, кунига 200 — 250 килограммдан узум узишиб, яшикларга жойлашмоқда.

Бу ишларнинг тез ва сифатли амалга оширилишида ходимлардан Жўра Назаров, Акром Абдуллаев, Муҳаммад Мусаев жонбозлик кўрсатишаётир.

Т. УЗГЕНОВ.

ДЎСТЛИГИМИЗ СЎНМАС ЧИРОҒИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИНИНГ ТОЖИКИСТОН ССРДАГИ КУНЛАРИ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛДИ

ДУШАНБА, 20 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбирлари). Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъатининг бугун бу ерда ниҳоясига етган Тожикистон ССРдаги кунлари совет халқлари бузилмас қардошлигининг улуғвор мадҳияси бўлиб янгради. Бу кунлар Коммунистик партия ленинча миллий сиёсати донолиги тантанасининг яна бир ёркин далили бўлди, ССР республикалари буюк бирлиги, уларнинг Октябрь байроғи остида маданият соҳасида эришган мисли-сиз равнақининг намойиши бўлди.

Байрам Тожикистон шаҳар ва қишлоқларида саккиз кун давом этди. Ишчиларнинг клублари, дала шийпонлари ва студентларнинг аудиториялари, қурилиш майдонлари ва саноат корхоналарининг цехлари шу кунларда адибларнинг минбарига, концерт залларига айланди. Тожикистонлик дўстларга яхши таниш бўлган ҳамда шу учрашувлар таъсирида юзага келган шеър ва қўшиқлар ҳамма жойда янграб турди. Ўзбекистон вакиллари Норак ва Ленинобод, Душанба ва Кўлоб меҳнатчилари билан учрашганларида дўстлик ҳақидаги, улуғ Ленин ғояларининг тантанаси, бунёдкорлик меҳнатининг нашидаси тўғрисидаги фикрлар ифодаланган илҳомбахш сатрларни туҳфа қилдилар. Тожик қардошлар таниқли рассомларнинг, кинематографиячилар ва ижрочиларнинг ижоди билан ғоят қизиқиб танишдилар. Энг яхши театрлар, маданият саройлари Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбоблари ихтиёрига бериб қўйилди.

Помирнинг қорли чўққиларидан Сирдарёгача қадам босиб ўтган дўстлик ва қардош маданиятлар байрами бугун Душанбадаги касаба союзлари маданият саройида ниҳоясига етди. Бу ерда адабиёт ва санъат кунларига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечани Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан байрам қатнашчиларига, улар орқали бутун қардош ўзбек халқига самимий миннатдорчилик изҳор этди ва маданият усталари билан бўлган қувончли учрашувлар республиканинг маънавий турмушини янада бойитганини уқтириб ўтди.

Меҳнат коллективларидаги, ижодий союзлардаги учрашувлар Тожикистон ва Ўзбекистон маданият арбобларига бир-бирларини янада яхшироқ билиб олиш имконини берди, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошираётган қардош халқларимиз турмушининг бунёдкорлик маромини янада тузукроқ ҳис этиш воситаси бўлди. Шу учрашувлардан олинган таассуротлар адиблар ва кинематографиячиларнинг, рассомлар ва композиторларнинг ижодий ишларига янги илҳом бахш этди. Бу таассуротлар романларда, тасвирий полотноларда, спектаклларда, шеърий тўпламларда ва янги-янги куйларда ўз ифодасини топади. Республика меҳнаткашларининг шонли ишлари билан яқиндан танишиш энг муҳим вазифалардан бирини ҳал этишда — замонамизнинг бош қаҳрамони — коммунизм бинокорини гавдалантиришда, совет кишиларининг улуғвор ишларини, уларнинг тинчлик, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш муддаоларини бадиий воситалар билан ифодалашда ижодкор зиёлиларга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъатининг Тожикистондаги кунлари севикли Ватан бахт-саодати йўлида, Коммунистик идеалларнинг тантанаси йўлида, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги йўлида биргаликда қилинаётган меҳнатда совет халқларини қардошлигининг азим дарахти йил сайин томир ёйиб, гуллаб-яшнаб туриши учун бамисоли обиҳаёт бўлди.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади. У меҳнодўстлик ва иззат-икром учун, ижодий фаолиятга берилган юксак баҳо учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, адабиёт ва санъат кунларининг барча қатнашчилари номидан дўстлик байрамининг ташкилотчиларига, қардош республика меҳнаткашларига чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Шу саккиз кун Ўзбекистон вакиллари учун ёркин, жозибадор байрам бўлди. Шу кунларда иккала республиканинг адабиёт ва санъат арбоблари жонажон Коммунистик партияни, унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетини, совет кишилари ишларининг улуғлигини шарафладилар. Истеъдодли кишилар маскани бўлган саҳоватли тожиклар диёридаги учрашувлар унда қатнашган ҳар бир кишида янги таассуротлар қолдирди, уларнинг кўз ўнгида янги образларни гавдалантирди, янгидан-янги асарлар ёзишга руҳлантирди. Адабиёт ва санъат кунлари бутун совет социалистик маданиятини янада равнақ топтириш учун маданиятларимизни янада мустаҳкам яқинлаштиришга ва уларни актив ижодий ўзаро бойитишга хизмат қилди.

Совет адабиёти ва санъати чинакам халқ орзулари ва фикр-ўйларини, чинакам халқ ишлари ва зафарларини куйламоқда, улуғ Ленин кўрсатган йўлдан бормоқда. Ҳозиргина тугаган байрам бунинг яна бир тасдиғидир.

* * *

Тантанали кеча катта байрам концерти билан якунланди. Ўзбекистон санъат усталари ижросида қардош халқларнинг бузилмас иттифоқини, мангу барҳаёт Ленин ғояларини, Коммунистик партияни, кўп миллатли Ватанимизни, совет кишисининг улуғворлигини тараннум этувчи куй ва қўшиқлар янгради.

Тантанали кечада Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. К. Кармишев, Р. Н. Набиев, Е. И. Первенцев, Ю. И. Полукаров, Ж. Р. Расулов, А. Ҳ. Ҳайдаров, В. Е. Новичков, Ю. А. Шокаримов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. З. Зарипова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Г. Гафуров, Р. М. Гришина, Г. В. Кошлаков, А. Н. Мақсумов, К. М. Маҳкамов, Р. Ю. Юсуфбеков қатнашдилар.

Шу куни Тожикистон ҳукумати номидан Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Тожикистондаги кунлари қатнашчилари ҳамда меҳмонлари шарафига қабул маросими ўтказилди.

С. ФРОЛОВА,
О. ОСИПОВ.

«Оқ олтин» хирмонига

21 сентябрда республикамизда мавсум бошидан бери 701.381 тонна «оқ олтин» тайёрланди. Бу йиллик планнинг 12,01 процентини ташкил этади. 20 сентябрь куни пахтакорлар хирмояга 94.561 тоннә ёки йиллик пахта тайёрлаш планининг 1,62 процента миқдорида «оқ олтин» етказиб бердилар.

Тошкент областининг саршуносларн пахта тайёрлаш суръати бўйича биринчи ўринни эгалладилар. Шу куни пойтахт область пахтакорлари давлатга 11.346 тонна пахта етказиб бердилар. Бу йиллик планнинг 2,67 процентини ташкил этади.

Фарғона области бўйича бир кунда йиллик планнинг 2,40 процента, Қашқадарё области бўйича 2,25 процента, Бухоро области бўйича, 2,20 процента, Наманган области бўйича 2,12 процента, Сурхондарё области бўйича 2,04 процента миқдорида пахта тайёрланди.

Мавсум бошидан бери йиллик планни Бухоро области 25,75, Фарғона области 23,99, Сурхондарё области 22,01 процент бажарди.

Ингичка толали пахта териш суръати кун сайин ошиб бормоқда. 20 сентябрь куни республикамиз бўйича 5196 тонна, мавсум бошидан бери 48.655 тонна, яъни йиллик планнинг 13,15 процента миқдорида ингичка толали пахта тайёрланди.

тонгги газеталарда

© КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутати Э. А. Шеварднадзе бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Венгрия Халқ Давлат мажлисининг таклифига биноан дўстона расмий визит билан 21 сентябрь куни Москвадан Будапештга жўнаб кетди.

© Қашқадарё область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармокларини ривожлантириш, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қашқадарё область партия комитетининг пленумида ана шу ҳақда гапирилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КОЛЛЕКТИВНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

«Ташсельмаш» заводи ремонт-механика цехи ва бош механик бўлими ҳисобот-сайлов партия йиғилишида юксак уюшқоқлик, танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида ўтди.

Цех партия ташкилотида 36 коммунист бор. Уларнинг кўпчилиги план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда етакчилик қилмоқдалар. Партия бюроси коммунистларни, бутун коллективни қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этяпти. 1980 йилда дастгоҳларни капитал ремонт қилиш муваффақиятли ўтди. Пландаги 526,1 минг сўмлик ўрнига 546 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йил цех ойлик ва квартал топшириқларини муттасил оширибгина эмас, ҳаммаси ҳақида ҳисобот-сайлов йиғилишида гап борди. Докладчи — партия бюроси секретари И. Гурьянов ва музокарада сўзга чиққанлар цех партия ташкилотининг ишларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этдилар. Қўйилган вазифаларни бажариш масалаларига эътиборни қаратдилар. Коммунистлар коллектив эришган ютуқлар осонликча қўлга киритилмаганини таъкидлаб ўтишди. Ҳисобот даврида уларнинг авангардлик роли, ижодий ташаббускорлиги ва топширилган иш учун шахсий масъулиятлари ошди. Коммунистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида ишламоқдалар. Бошқаларга зарбдор меҳнатлари билан шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

Ҳисобот докладида ва конструктор А. Исеев, цех бошлиғининг ўринбосари Ф. Калимулина ва бошқалар сўзларида коллективга намуна бўлаётган энг яхши коммунистларнинг номлари тилга олиб ўтилди. Улар — силлиқловчи К. Петякшев, токарь Г. Фадеев, монтажчи Ф. Колбасинлардир. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш учун актив курашмоқдалар. Социалистик мусобақада юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Коммунистлард а н —завод бош механиги Б. Рейхштад ва вулканизатор Х. Нуъмонов меҳнатни бригада усулида ташкил этиш ҳақида гапиришди. Цехда қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир механика участкасида иш олиб бориляпти. Бу ерда иккита бригада янгича усулда ишлаяпти. Дастлабки натижалар яхши. Бригада формаси кишиларни коллективизм руҳида тарбиялашга, уларнинг ижодий активлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беряпти. Партия бюросининг янги составги цехнинг барча участкаларида меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини тезроқ жорий этишда цех маъмуриятига ёрдам кўрсатиши керак. Йиғилишда сўзга чиққанлар буни таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида гап борди. Айрим нуқсонлар танқид қилинди. Цехда социалистик мусобақани ташкил этишда юзаки чиқишлар рўй беряпти. Партия бюроси мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш ҳақида етарлича ғамхўрлик қилмаяпти. Узрсиз сабаблар билан прогул қилиш ҳамон кўп. Натижада цех шу йилнинг етти ойи ичида завод коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада бирон марта ҳам совринли ўринларни эгаллай олмади. Коммунистлар цех бошлиқларининг коллектив ўртасида тез-тез бўлиб, барча жамоат тадбирларида актив қатнашишлари лозимлигини айтдилар.

Ҳисобот даврида мажлисларни тайёрлаш ва ўтказиш практикаси сезиларли яхшиланган, уларда муҳокама этилган масалаларнинг доираси кенгайгани таъкидлаб ўтилди. Масалан, ҳисобот даврида 11 та йиғилиш ва партия бюросининг 24 мажлиси бўлиб ўтди. Уларга «Меҳнат интизомини мустаҳкамлашда коммунистларнинг роли ҳақида», «Комсомол ташкилотларининг ишни тўғри сида», «Цехда кўргазмали агитацияни янгилаш ҳақида», «Коммунистларни н г г оявий-сиёсий савиясини ошириш тўғрисида» ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Бу масалалар муҳокамаси ишчанлик билан ўтди ва партия ташкилоти фаолиятининг ҳамма томонларини яхшилашга ёрдам берди.

Коммунистларнинг, айниқса ёш коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш одат тусига кириб қолди. Партия бюроси мумкин қадар кенгроқ масалаларни қамраб олишга интиляпти. Коммунистла р д а н Слесаренко ва Староверовларнинг ҳисоботлари тингланди. Улар ўз ғоявий-сиёсий савияларини қандай ошираётганликла р и ҳақида гапириб бердилар. Мастерлар Штефан ва Маслюк механика ва слесарлик участкаларида меҳнат интизомининг аҳволи ҳақида ахборот беришди. Шунингдек, коммунистик меҳнат мактаби раҳбари А. Ткачманнинг ҳисоботи тингланди. Коммунистлар партия бюроси ишидаги камчиликлар ҳақида гапиришганда, партия группалари билан етарлича иш олиб борилмаётганини айтиб ўтишди. Партия бюроси ҳисобот даврининг бошида партия группаси ташкилотчилари билан бир марта йиғилиш ўтказди, шу билан уларнинг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Цех партия ташкилотига ҳисобот даврида бир КПСС аъзоси ва КПСС аъзолигига бир қандидат қабул қилинди, ҳолос. Коллективда ёшлар кўплигини ҳисобга олганда, бу қаноатланарли эмас.

Докладда ва коммунистларнинг сўзларида коллектив аъзоларини ғоявий чиниқтириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари илгари сурилди. Коммунистлар сиёсий ўқув системасининг тўрт группасида шуғулланишади. Уларнинг ўқуви масалаларни ҳисобот даврида партия бюроси диққат марказида турди. Партия йиғилишларида ва партия бюросининг мажлисларида бу масала биринчи марта муҳокама қилинди. Пропагандистлард а н Б. Рейхштадт ва Ш. Файзиев ўз ишларига масъулият билан ёндошишди. Бироқ, тингловчилар н и н г машғулотларга қатнаши ҳали кўнгилдагидек эмас.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши цех партия ташкилотининг навбатдаги вазифаларини белгилади. Коммунистларни ҳамиша мусобақанинг олдинги сафида бўлишга, шахсий намуна кўрсатиб, беш йиллик ва унинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга коллективни руҳлантиришга, унинг барча ишларида актив қатнашишга даъват этди.

С. НИШОНБОЕВ.

Қишга тайёргарлик— депутатлар назоратида

ХИЗМАТГА ШАЙ БЎЛСИН

Ҳозирги пайтда шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва муассасалар 1981 —1982 йил кузги-қишки даврда ишлашга тайёргарликни айни қизитиб юборган пайт ҳисобланади. Биринчи навбатда уй-жой масаласи, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши каби, аҳолига хизмат кўрсатиш ва ҳалқ хўжалиги юкларини ташишда транспорт хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, шаҳар пассажир автотранспорти каби юк ташиш транспорти ходимлари икки йўналишда иш олиб боришларига тўғри келмоқда. Улар ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар, иншоотлар ва ҳаракатдаги составни кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юзасидан ишлаб чиқилган планида қилинадиган ишларнинг муддати, шунингдек, ўларнинг амалга оширилиши учун муттасадди кишилар номи қайд этилган.

Корхонада бу йил амалга оширишни лозим бўлган жорий ремонтлардан ташқари, барча иссиқлик тармоқларини тўла реконструкция қилиш, автотранспорт корхонаси билан ёнма-ён жойлашган болалар уйини иссиқ сув билан таъминлайдиган қозонхона реконструкциясини ниҳоясига етказиш, автомобилларни усти ёпиқ бинода ювишга тайёрлаш, канализация лойиҳасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш, қурилаётган филиалда асфальт ётқизиш каби ишлар тадбирлари белгиланган. Ана шу тадбирларни кузги-қишки мавсумгача амалга ошириш ишлари ўз муддатида олиб борилмоқда.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарликда ҳаракатдаги составнинг шай бўлиб туриши катта аҳамият касб этади. Чунки автомобиль корхонаси автоколонна бош инженери В. А. Давидьлиц раислик қилмоқда. Унинг составига ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи Р. Ҳакимов, шунингдек, автомобиль отрядлари бошлиғи, бош механик, ҳаракат хавфсизлиги бўйича инженер, халқ депутатлаари киритилган.

Қишга тайёргарлик комиссиясининг аъзолари — депутат шофер З. В. Еромина, Э. Н. Усмонов ва бошқалар ҳаракатдаги составнинг, шунингдек, бино ва иншоотларининг ҳозирги ҳолатини текширувдан ўтказишди. Ана шу комиссиянинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юзасидан ишлаб чиқилган планида қилинадиган ишларнинг муддати, шунингдек, ўларнинг амалга оширилиши учун муттасадди кишилар номи қайд этилган.

Корхонада бу йил амалга оширишни лозим бўлган жорий ремонтлардан ташқари, барча иссиқлик тармоқларини тўла реконструкция қилиш, автотранспорт корхонаси билан ёнма-ён жойлашган болалар уйини иссиқ сув билан таъминлайдиган қозонхона реконструкциясини ниҳоясига етказиш, автомобилларни усти ёпиқ бинода ювишга тайёрлаш, канализация лойиҳасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш, қурилаётган филиалда асфальт ётқизиш каби ишлар тадбирлари белгиланган. Ана шу тадбирларни кузги-қишки мавсумгача амалга ошириш ишлари ўз муддатида олиб борилмоқда.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарликда ҳаракатдаги составнинг шай бўлиб туриши катта аҳамият касб этади. Чунки автомобиль корхонаси «Главташкентстро й »нинг 1-механизация бошқармаси, консерва, «Ташсельмаш», трактор заводи каби корхоналарга ҳом ашё етказиб бериш, уларнинг тайёр маҳсулотларини жойларга элтиб беришда хизмат кўрсатади. Булардан ташқари, йил-ўн икки ой республикамиз областларидаги шаҳарлараро юкларни ҳам ташиб беради. Давлат планлари, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, мижозларга кўнгилдагидек хизмат қилиш ва ниҳоят, хизмат кўрсатилган корхоналар планининг бажарилиши ҳаракатдаги составнинг халқ хўжалик юкларини ташишга вақтидан шай бўлиб туришига боғлиқдир.

Ана шу мақсадда корхонада ўтказилган 2-техника хизмати кўригида юк автомобиллари аккумуляторларининг хизмати ва уларнинг ремонт қилиниш сифати текширувдан ўтказилди, шунингдек двигателлар ишининг параметрлари кўздан кечирилди, резина деталлар алмаштирилди. Бу йил кузги-қишки мавсумда ишлашга 400 дан ортиқ юк автомобили ҳозирлаб қўйилди. Юк автомобилларин и н г ҳар бири КПСС XXVI съезди қарорларида таъкидлаб ўтилганидек икки томонга юк ташишни таъминлаш мақсадида бир ва ундан ортиқ прицеплар билан таъминланган.

— Автотранспорт корхонаси кузги-қишки мавсумда бир меъёрда ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирлар плани шу йил 15 октябргача тўла-тўкис амалга оширилади, дейди корхона бошлиғи О. Н. Осин.— Қишга тайёргарлик борасида корхона коллективи кўп йиллик тажрибага эга. Шунинг учун ҳам автотранспортчилар бу мавсумга пухта тайёргарлик кўриш билан бирга, ишда ҳеч қандай узилишларга йўл қўймаслик учун курашмоқдалар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ





Чимбой районидаги «Мейяб» совхозининг деҳқонлари шоли ўримйиғимига киришдилар. Мазкур совхоз йирик ихтисослашган хўжалик бўлиб, бу ерда 5 минг гектар ерга шоли экилмоқда. Шоликорлар мўл ҳосил етиштириш учун зарбдорларча меҳнат қилдилар. Бунинг натижалари яққол кўриниб турибди. Дастлабки участкалардаги ҳосилни янчиш ҳар гектар ердан 55 центнердан марварид ғалла олинишини кўрсатиб турибди. Бу ўтган йилги ҳосилдан 6 центнер кўп. Жами Ватанимиз омборларига 27.500 тонна олий нав маҳсулот етказиб берилади.

СУРАТЛАРда: шоли ҳосилининг дастлабки тонналари хирмонга йўл олмоқда; тушки дам олиш пайтида ширин тарвуз чанқоқни яхши қолдиради.

В. Казанцев фотолари, [ЎзТАГ].

ШАҲРИСАБЗ ТУРИСТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шаҳрисабз шаҳри марказида шинам «Интурист» меҳмонхонаси ишга туширилди. Бу меҳмонхона бир пайтнинг ўзида юз кишини қабул қилишга мўлжалланган. «Каршипромжилстрой» трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна коллективи бу комплексни «калит» баҳо билан фойдаланишга топширди. Қурувчилар комплекснн безашда замонавий материаллар — мармар, ранг-баранг цемент, анъанавий меъморчилик формалари — сопол, ганч ўймакорлиги, мисгарликдан кенг фойдаландилар.

Кейинги йиллар мобайнида Шаҳрисабз республикада туризм марказларидан бирига айланди. Тарихий ёдгорликлар мамлакатимиздаги қадимги ёдгорликлар ишқибозлари билан бирга, кўпгина чет эллик меҳмонларни ҳам бу ерга жалб этади.

[ЎзТАГ].

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССРга чуқур миннатдорчилик туйғуси

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг таниқли жамоат арбоби, Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси Т. Н. Каул «Нэшнл геральд» газетаси саҳифасида қуйидагиларни ёзади: Америка империалистларининг ва уларга гумашталик қилаётган кимсаларнинг региондаги вазиятни кескинлаштириш йўлидаги уринишлари қучайиб бораётган бир вазиятда СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тобора катта роль ўйнамоқда.

Шу тарихий ҳужжат имзоланганидан кейин ўтган ўн йил реакцион кучларнинг Ҳиндистон — Совет дўстлигига зарар етказиш йўлидаги уринишлари беҳуда эканини яққол намойиш этди. «Бизнинг бутун мана шу давр мобайнидаги муносабатларимиз ўзаро ишончнинг мустаҳкам негизида муваффақиятли равишда ривожланиб келди», — деб уқтиради Т. Н. Каул.

Совет Иттифоқи Ҳиндистон Республикасида қудратли индустрия негизларини вужудга келтиришга жуда катта ҳисса қўшаётганлиги учун ҳиндилар унга нисбатан чуқур миннатдорчилик туйғусини изҳор этмоқдалар. АҚШ ва ғарбдаги бошқа давлатлар милий ривожланишнинг катта лойиҳаларини амалга оширишда Ҳиндистонга ёрдам беришдан бош тортган бир пайтда СССР замонавий саноат тармоқларини барпо этишда Ҳиндистонга бажонидил кўмаклашишга тайёр эканини изҳор қилдики, ҳиндилар буни асло унутмайдилар. СССРнинг кўмаги билан Ҳиндистонда саноат, қишлоқ хўжалиги турли соҳаларида ва маориф системасида 70 дан кўпроқ объект қуриб битказилди ёки қурилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг 1980 йил декабрида Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визити икки томонлама алоқаларни ривожлантиришнинг қудратли омили бўлди. Совет раҳбарларининг визити Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстликнинг мазмунини бойитди, иккала давлатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги, янада юксак поғонага кўтарди, деб таъкидлайди, пировардида Т. Н. Каул.

С. СПИЦИН.

ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ конгресси вакиллари палатасининг аъзолари П. Проудер билан Т. Петри расмий Вашингтон Марказий Америкада ўтказиб келаётган йўлини танқид қилдилар. Улар ушбу региондаги мамлакатлар, шу жумладан Сальвадорга қилган сафарларидан қайтиб келдилар.

Марказий Америкадаги ҳукмрон режимларга фақат қуроляроғ етказиб беришга асосланган сиёсатимиз батамом барбод бўлди, деди П. Шроудер хоним. У вакиллар палатасининг қуролли кучлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияси составига киради. Биз ана шу мамлакатларга қуроляроғларни тиқиштириб ташладик, ваҳоланки бу билан у ердаги аҳвол яхши бўлиб қолгани йўқ, деди у.

ЭФИОПИЯДА БИРИНЧИ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопиянинг ғарбдаги Волега вилоятида мамлакатда биринчи аграр-индустриал комплекс лойиҳасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етди.

Комплексга қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиш мумкин бўлган умумий майдони 100 минг гектардан иборат еттита давлат фермаси киради. Фермаларнинг марказий қўрғонларида чорвачилик хўжаликлари ташкил этилиб, маҳсулотни қайта ишлайдиган ва консерва корхоналари, музлатиш установкалари, омборхоналар қурилади. Буларнинг ҳаммаси шаҳарларнинг озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлабгина қолмай, етиштириладиган маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш имконини ҳам беради.

НОХУШ МАЪЛУМОТ

КОПЕНГАГЕН. Яқин икки йил давомида ғарбдаги индустрияси ривожланган 24 та капиталистик давлатни бирлаштирган иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ёшлари орасида ишсизлик даражаси 30 процент кўпайди. Мазкур ташкилотнинг маориф ва ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланиб, Данияннинг Орҳус шаҳрида ўтказилаётган конференциясига ташкилот кенгаши тақдим этган докладда ана шундай нохуш маълумот келтирилган.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон электр станциялари апрель ойида бошланган 1981—82 молия йили бошидан буён 50 миллиард киловатт-соатдан ортиқ электр энергия ишлаб чиқардилар. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 миллиард киловатт-соат ортиқдир. 1985 йилга бориб иссиқлик, атом ва гидроэлектр станцияларининг қуввати бир ярим баравардан зиёд кўпаяди ва 50 миллион киловаттдан ошиб кетади. Ҳиндистон тоғидан оқиб тушадиган ливмо-лим дарёларда комплекс гидротехника иншоотларини қуриш мўлжалланди. Улар электр энергия ишлаб чиқаришдан ташқари анча катта майдонларни суғоришни таъминлайди.

* * *

ДАККА. Пабна шаҳрида экономиканинг давлат секторидаги қишлоқ хўжалик ишларида банд бўлган механиклар ва трактрчиларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Улар икки ҳафта мобайнида совет мутахассислари раҳбарлигида совет «Беларусь» тракторини ўрганиб, унинг техникавий характеристикалари билан танишдилар. Ғарб фирмаларининг тракторлари билан рақобатга бардош берган бир ярим мингдан зиёд совет тракторларидан мамлакат халқ хўжалигида муваффақиятли фойдаланилмоқда.

* * *

РАБОТ. Марокаш тараққиёт ва социализм партиясининг босма органи кундалик «Ал-баян» газетасининг икки мингинчи сони чиқарилди.

«Ал-баян» газетаси мамлакатдаги сўл кучларнинг бирлигини ёқлаб чиқмоқда, ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, ёшларнинг ҳоҳиш-иродасини акс эттирмоқда. Газета тинчлик, демократия ва тараққиётни ёқлаб, империализмга ҳамда реакцияга қарши актив кураш олиб бормоқда.

* * *

БАЙРУТ. Шу йилнинг август ойида, деб ҳабар берди Исроилнинг Қудсдаги банки вакили, Исроилнинг ташқи қарзи 598 миллион доллардан ҳам ошиб кетди. Аввало, чет эл ва асосан Америка ҳарбий техникаси кўплаб сотиб олинаётганлиги мамлакат қарзининг ғоят кўпайишига сабаб бўлди. Тель-Авив араб халқларига қарши агрессия қилиш учун ана шу ҳарбий техникадан фойдаланмоқда. Исроилнинг ташқи қарзи ўтган молия йилининг охирида 17.7 миллиард долларга етди.

* * *

АНҚАРА. Туркияда 1981 йил ойидан буён саводсизликни тугатиш учун 55 мингдан зиёд курс ташкил этилди. Туркия миллий маориф министри Ҳасан Саглам саводхонлик халқаро куни муносабати билан уюштирилган семинар қатнашчиларига шуни хабар қилди. Унинг айтишича, ҳозирги вақтда курсларда 1,2 миллион киши шуғулланмоқда. Министрлик яқин йиллар ичида саводсизликни тамомила тугатиш учун бу курсларни анча кўпайтириш ниятидадир.

Расмий маълумотларга қараганда, 45 миллион аҳолиси бўлган Туркияда ҳозирги вақтда 13 миллион киши саводсиздир.

«ЭКОНОМИКАНИ ЕМИРУВЧИ ПРОГРАММА»

НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмурияти федерал бюджетни «баланслаш» чораларини кўкларга кўтармоқда. Социал программаларга ажратиладиган маблағларни қисқартириш билан бир вақтда ҳарбий ҳаражатларни кўпайтиришнинг юксак суръатларини сақлаб колишга асосланган бу чоралар мақсадга эришиш имконини бермайди ва амалда мамлакатдаги ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар янада мушкуллашувига олиб келади. Америка экономистлари ўртасида ва савдо-саноат доираларида шундай фикр кенг тарқалган.

Массачусетс технология институтининг мутахассиси Л. Туроу ҳарбий тайёргарликларни кучайтиришга асосланган ҳукумат программаси АҚШ «экономикасини емиради» деб башорат қилмоқда. «Стагфляция»нинг давом этиши «экономикани емирувчи программа»нинг оқибати бўлади, деб уқтиради Йель университетининг экономисти Ж. Тобин.

Расмий Вашингтон Пентагонга ажратилаётган маблағларнинг ўсиш суръатларини арзимас даражада қисқартирилганлигини жуда шов-шув қилиб юборганлиги АҚШда ошкора истеҳзо билан кутиб олинди. Уолл-стройтдаги экономистлар, деб ёзади «Нью-Йорк» газетаси, буни эътиборга полойиқ бўлган ҳарсе деб ҳисоблайдиларки, бу ҳол уларнинг қуролланиш пойгасини кучайтириш оқибатида пулнинг қадрсизланиши хусусидаги ҳавотирланишларини асло йўқота олмайди.

«Кристен сайенс монитор» газетаси Рейганнинг ҳарбий ҳаражатларни атиги 13 миллиард, яъни бир процентдан ҳам камроқ қисқартириш тўғрисидаги қарорини «етарли бўлмаган ва самарасиз» қарор деб таърифлайди. 1984 йилга бориб федерал бюджетни баланслаш ваъда қилинган эди, Ана шу ваъдани бажариш учун ҳаражатларни жами 75 миллиард доллар қисқартириш зарур бўлганлиги сабабли деб ёзади газета редакцион мақоласида, бу етишмаётган 62 миллиард долларни маъмурият ҳарбий саноат билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалар ҳисобидан қисқартириши лозим деган маънони билдиради.

Обзорчиларнинг таъкидлашларича, ҳарбий маҳкама сахийлик билан таъминлаб турилган бир шароитда бюджет камчатини қисқартириш йўлидаги уринишлар ишсизлик учун тўланадиган нафақалар, пенсия тўловлари, медицина ёрдами, йўқсиллар учун озиқ-овқат талонлари каби ҳозирги маъмурият бусиз ҳам камайтирган социал программаларни янада қисқартиришга олиб келиши муқаррар. «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, мана шу моддалар биринчи бўлиб қисқартирилади. Рейган ҳарбий бюджетни тирнаб ўтишни таклиф этганлиги, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, унга «чинакам ишни бажариш — социал программаларни яна қирқиш» имконини беради холос.

Гарвард университетининг экономика профессори В. Леонтьеф шу муносабат билан қайд этадики, капиталнинг ҳарбий соҳада жамланиши «хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларини инвестиция жиҳатдан очарчиликка маҳкум этадики, ана шу соҳалар инвестицияга ғоят муҳтождир».

Ю. РОМАНЦЕВ,

• Ноқоратупроқ зонани ривожлантириш уфқлари

БОШ ЙЎНАЛИШДА

Новгород областида ишлаётган Ўзбекистон ССР «Госкомводхозига қарашли «Узпарфинводстрой» қурилиш бошқармасининг мелиораторлари жами техника ва одам резервларини бош йўналишга жамлаб, меҳнат унумдорлигини ҳамда ерларнинг захини қочириш системалари қурилиши сифатини анча оширишга эришдилар.

Бу йил мелиораторлар барпо этилаётган «Дружба» сутчилик ва сабзавотчилик совхозидан минг гектар ернинг захини қочиришлари, юзлаб километр ёпиқ дренаж ётқизишлари, очиқ магистрал каналлар қазишлари, шоҳ йўллар қуришлари керак эди.

Валерий Баженин бригадаси ботқоқликка ҳужум бошлади. Механизаторлар ишбай наряд олиб, объектнинг биринчи навбати— 412 гектар ерни июнь ойида фойдаланишга топшириш мажбуриятини қабул қилишган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар: совхоз ҳозирдаёқ янги ерга ўт экиб қўйди.

Хўжалик ҳисоби жорий этилганлиги бригаданинг мувaффақиятини таъминлади. Бунда одамларнинг меҳнати пировард натижага қараб баҳоланади. 1-механизациялашган кўчма колонна коллективи «Узпарвинводстрой» д а ернинг захини қочириш ишларини олиб бормоқда. Ана шу колоннанинг бошлиғи Рустам Султонов катта объектда хилма-хил техниканинг жамланиши, ягона наряд бўйича ишлаш, машина ва механизмларни ремонт қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни енгиллаштирибгина қолмай доимий ўзаро ёрдамни, турдош касбларни бажаришни ҳам тақозо этади, деб ҳисоблайди. Ҳаётнинг ўз қонун-қоидалари бор. Айтайлик, ерларни буталар ва тўнкалардан тозаловчи кишилар «ўзиб кетадилар», канал қурувчилар эса орқада қоладилар. Пировард манфаатдор бўлган мелиораторлар тезда техниканинг бир қисмини қолоқ участкага юбориб қолоқликка барҳам берадилар.

Ерларни тозаловчилар, дренажчилар, участкаларни текислаш билан шуғулланувчи кишилар қишлоқ хўжалик экинзорларини изчиллик билан янгилай бориб даставвал навбатдаги операцияни бажариш учун территорияни тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Юксак унумдорлик ҳам шунинг натижасидир. Лоақал кўп чўмичли экскаваторларнинг экипажларини олиб кўрайлик. Улар учун уч юз метр дренаж шахобчаси ётқизиш кунлик норма ҳисобланади. Улар эса 600 метр ва ундан ҳам кўпроқ дренаж ётқизмоқдалар. Машинистлар Б. Тананин, Ю. Полишчук, Н. Хивнюклар эса айрим кунларда иш унумини саккиз юз метргача етказишмоқда.

Юрий Козлов бошлиқ комплекс бригада майдонининг иккинчи навбатини қуришга киришганида ҳам ўзаро ёрдам қўл келди. Бу коллективда коммунист Шавкат Ёрмуҳамедов бошлиқ дренажчиларнинг комсомол-ёшлар экипажи бутун ёз мобайнида нормани ўрта ҳисобда 150 процентдан бажариб, пешқадамлик қилиб келди. Ерларни тозаловчи Е. Осипов, трактрчилардан И. Стрельников ва З. Изиқбоев, дренажчи ишчи М. Миркушев ва бошқалар жуда яхши меҳнат қилдилар. Натижада яна 250 гектар ер унумдор экинзорга айлантирилди.

Муваффақият қанот бахш этмоқда. Шу йилнинг 7 ноябригача объектни батамом топшириш — 1-механизациялашган кўчма колонна механизаторларини н г мақсадидир.

[ТАСС].




Америка жамоатчилиги Шимолий Ирландия католик аҳолисининг кураши билан бирдамлигини изҳор этмоқда. Намойишларнинг қатнашчилари террор ва репрессияларга қарши норозилик билдирмоқдалар.

СУРАТДА: Вашингтонда бўлиб ўтган оммавий бирдамлик намойиши. Унинг қатнашчилари консерваторлар ҳукуматидан Шимолий ирландиялик маҳбусларнинг қийноққа солиниши ва ўлдирилишига барҳам беришни, Ольстердан оккупациячи инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини, кризисни сиёсий йўл билан ҳал этишни талаб қилдилар.

2 ТОШКЕНТ бет. оқшоми

22 СЕНТЯБРЬ 1981 й.





Ленин комсомоли номли Москва театри Тошкентдаги гастролларга олиб келган спектакларнинг аксарияти шу кунининг мавзуидаги спектакллардир. Ана шу пьесаларда ёшларнинг ҳаёти, уларни ҳаяжонлантираётган масалалар, пробле-

малар кўтарилади. Александр Арбузовнинг «Қалтис ўйинлар» спектакли ана шундай асарлар жумласидандир.
СУРАТДА: мазкур спектаклдан саҳналар.

«Қизиқарли геология»— яхши рисола

Китоб—офтоб

Геолог олимлар М. Зокиров ва Н. Ишназаровларнинг «Қизиқарли геология» китоби ўзбек ва рус тилларида 1980 йилларга қадар ёзилмаган китоблардан бири ҳисобланиб, ўзининг аҳамияти ва моҳияти билан замон талабига жавоб бера оладиган биринчи асардир. Китоб муаллифлари ана шундай замонавий ва шарафли ишга қўл уриб, уни кенг ўқувчилар оммаси учун содда ва қизиқарли равишда ёзишга ҳаракат қилганлар. Рус тилидаги ва хорижий тиллардан кирган айрим геологик терминлар ҳам ўзбек тилида ўзининг аниқ ифодасини топа олган. Бинобарин «Қизиқарли геология» китобида геологик терминлар масаласи ҳам анчагина дуруст ҳал этилган. Бу ўз навбатида китобнинг салмоқли муваффақиятларидан биридир.

Китоб ўзининг турли геологик материалларига бойлиги билан кенг ўқувчилар қатори, олий мактабларнинг геология факультети ўқувчилари учун ҳам қўшимча геологик материал сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, бу китобга кенг ўқувчилар орасида қизиқиш катта бўлди ва улар орасида тез тарқалди. Мен олий мактабнинг тарбиячи педагоги сифатида шуни айтишим мумкин: «Қизиқарли геология» китоби қатори бирор ўхшаш илмий-оммабоп китоблар бошқа фан соҳаларида ҳам чиқса, улар олий мактаб ўқувчиларининг илмий савиясини оширишда катта роль ўйнаган бўлур эди.

Китоб кириш сўзидан мустасно «Ер жумбоқлари сайёраси» боби билан бошланади. Бу бобда қадимги аждодларимизни ўраб турган, яъни ўзлари яшаб турган шароитга қараб бутун дунё тўғрисидаги ибтидоий фикрларининг қандай пайдо бўлганидан бошлаб, қадимги грек файласуфларининг ер тўғрисидаги тушунчалари, улуғ аждодимиз Абу Райҳон Беруний-нинг дунёқарашлари, Абу Али ибн Синонинг «модданинг боқийлиги» ғоялари, Абу Наср Фаробийнинг бу ҳақдаги салмоқли ғоялари ва айрим халқларнинг «Ер қандай пайдо бўлган» лиги борасидаги мароқли афсона ва ҳақиқатлари ҳамда илмий космогоник фаразларнинг бунёдга келиши сабаблари жуда батафсил ва оддий тилда қизиқарли ҳикоя қилиб берилган. Юқоридаги бобда — ер қаърига кира борган сари, геофизиклар ер ости қатламларининг қалинлиги, ернинг вақтини, ёшини, айниқса тадрижий такомилини ўлчайдиган қандай восита ёки далиллар мавжуд бўлган? — деб ўринли савол қўядилар ҳамда бу саволга атрофлича жавоб берадилар. Худди шундай геологик соатлар вазифасини ўйнаган ва бундан 150 миллион йил илгари гуркираб яшаган ва тараққий қилган, сўнгра ер сатҳида содир бўлган табиий ўзгаришларга кўра тўсатдан бутунлай қирилиб йўқ бўлиб кетган, ҳозирги кунда ер қатламлари орасида тошқотган ҳайвон қолдиғи сифатида учраб турадиган, тирик дунё вакилларидан бири — даҳшатли калтакесаклар тўғрисида деярли ҳамма таҳмин ва ҳақиқатларни муаллифлар тўпланганлар, жуда батафсил, аммо қизиқарли ёза билганлар. Шундай боблар китобнинг номига айни муддао бўлган, яъни исми жисмига тўғри келган. Бу демак, китобга бўлган қизиқиш яна ҳам ошади демакдир.

Тянь-Шань тоғ тизмаларининг ёши тўғрисида сўз юритилган бобда, муаллифлар олдида жуда мураккаб вазифа турган. Чунки Тянь-Шань тоғ тизмалари ўзининг бунёдга келиши, тузилиши, таркиби ва ҳоказолари билан ҳар турлидирлар. Булардан мустасно, шу бобда геосинклиналь ва платформа тушунчаларини ўзбек тилида жуда аниқ ифодаланган бўлиб, ўқувчи уни иккинчи тасаввур этади. Тянь-Шаннинг пайдо бўлиши бир неча этапларда давом этганлиги кўрсатилган ва унинг тарихи қизиқарли ёзилган. Тянь-Шань тоғ тизмалари қаърида ер қобиғининг қалин бўлишлиги, бу ҳайрон қоларли тасодиф бўлмай, балки шу жойларнинг геологик тузилиши қонуний келиб чиққан табиий ҳодиса эканлиги аниқ тушунтирилган.

«Фойдали қазилмалар ҳаёт манбаи, уларни изланг ва топинг» бобида кўпгина минерал хом ашё турларининг тафсилоти келтирилган. Шу бобда келтирилган ҳар бир минерал ёки фойдали қазилма тўғрисида қизиқарли ривоятлар ва ҳикоялар (кумуш, симоб, туз ва ҳоказолар) ҳаётий воқеалар фонида бир-биридан чиқиб келувчи ички ҳикоя кўринишида берилганлиги айни муддаодир. Чунки геологиянинг асосий маҳсули бўлмиш фойдали қазилмалар тўғрисида қимматли маълумотлар шу бобдан ўрин олган. Муаллифларнинг, сўнгра китобнинг шакснз ютуқларидан бири — «Биласизми?» бобидир. Бу бобда жуда антиқа, ноёб, қизиқарли маълумотлар ашаддий синчковлик билан тўпланган ва, уни ўқиган киши вақти қандай ўтганини сезмай қолади. Шундай воқеалар бўлишига ажабланади, қизиқиб мотолаа қилади, ўз кўзи билан кўргиси келади, геолог бўлмаган кишида бу касбга муҳаббат уйғотади. Муаллифлар шу бобдаги маълумотларни тўплагунларича неча юзлаб китоб, журнал ва газеталарни кўздан кечирганлари кўриниб турибди. Жумладан, «Геология ва милиция» мақолаларини олинг. Бир қараганда, бўлиб ўтган воқеа (ер ости ғори, «карст»нинг ўпирилиб кетиши) геологияга алоқаси йўққа тушади, аммо у геологиянинг айнан ўзидир. Ёки «муқаддас тоғлар мақолаларига эътибор беринг. Ёввойи мушуклар, Тунгус ажойиботи каби мақолалар ҳам мароқ билан ўқилади.

Китобнинг «Табиат мукаддасми?» деган қисмида ялпи ўтмишда қишлоқ назарида «мўъжиза» бўлиб туюлган (гўристонда тунда кўринадиган шўълалар, ёнар ва иссиқ булоқлар, чўпон-тош, турли ғорлар) кўпгина табиат манзараларининг асл геологик моҳияти очиб берилади ва улар соҳта эшон ва шайхлар учун бойлик орттириш манбаи бўлиб хизмат қилганлиги очиб берилади.

Коинот геологияси тўғрисида ҳозирги кунининг ва келажакнинг талаби бўлган маълумотлар ҳам китоб саҳифасида тегишли ўрин олган.

Китоб — «Геология келажак фани» боби билан тугалланади. Ушбу бобда муаллифлар геология фани сиримз ҳаётининг тонгги ҳисобланган ва нисбатан кам ўрганилган тоқембрий қатламларини (жинсларини) ер юзаси, оқсан ва денгиз тубларини бурғилаш асосида унинг тархибини ўрганиш, даҳшатли зилзила ва турли тўфонлар сабабини, фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиш моделларини ва сунъий қимматбаҳо тошлар олишни, космос геологиясини мукаммал ўрганишни, математик усулларни қўллаш йўли билан бирга олиб бориш келгусида катта натижалар беришини таъкидлайдилар ва бу ишларга катта умид боғлайдилар.

Китобнинг бунёд этилишида, уни мазмунли чиқишида, чиройли шакл олишида, безанланишида «Ўзбекистон» нашриётининг хизмати алоҳида таҳсинга сазовордир.

Китоб чоп этилганига бир йил ўтмай тарқалиб кетди. Китобни истаб ва излаб юрувчилар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бу ўз навбатида китобнинг қайта нашр этилишини тақозо қилянти. Китобнинг қайта чоп этилишида уни инженерлик геологияси ва зилзилалар тўғрисидаги маълумотлар билан ҳам тўлдирилса, унинг қиммати яна ҳам ошган бўлур эди, деган умиддамиз.

Г. МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

ФАН ОЛАМИДА


ШОВҚИН НИМАНИ БИЛДИРДИ

Белоруссия олимлар «магнит шовқини»нинг тилини очдилар. Товуш олами билан ҳеч бир алоқаси бўлмаган бу физик ҳодиса металларда ўзгарувчан магнит майдонининг таъсири остида вужудга келди ва контроль қилувчи прибор экранида импульслар ҳолида пайдо бўлади.

«Магнит шовқини» табиатини билиш орқали металлнинг структурасини лаҳзада аниқлаш мумкин бўлади. Олимлар «Магнит шовқини»да молданинг кристалл панжараси ҳар қандай бузилишлари тўғрисидаги тўла маълумот бўлишини исбот қилдилар.

Шу тадқиқотлар олиб борилган Белоруссия Фанлар академияси татбиқий физика институтида металл структурасини контроль қилувчи тез ишлайдиган электрон система яратилган. Бу янгилик Минск трактор заводида жорий этилган бўлиб, бу ерда ясалаётган асбобларнинг бир тўпидан биттасини эмас, балки ҳар биттасини контроль қилишга имкон беради.

(ТАСС).



Фотообъективда— жонажон шаҳримиз.
СУРАТДА: Ленин номли проспектнинг кўринниши.
М. Нуриддинов фотоси.

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ХАТГУЛ

(«ЕТТИ ЗОҒОРА» ҚИССАСИДАН ПАРЧА)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ТУРОБ ТЎЛАНИНГ «ЕТТИ ЗОҒОРА» ҚИССАСИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ, УЗОҚ ВА ЯҚИН ЎТМИШ ВОҚЕАЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ. ҚЎЙИДА ШУ ҚИССАДАН ПАРЧА ЎҚИЙСИЗ.

— Бу ғор, —Бахшилла бува давом этдилар, — жуда ҳам қадимий ғор, жазирама ёз ёки қаҳратон қиш кунлари чўпонлар, подачилар жонига оро кирган. Бундан тўғри юқори Турбатга чиқилади.

Дарҳақиқат, ғор оғзида баҳайбат тош ҳам бор эди. Аммо уни энди суриш, ғор оғзига келтириш маҳол эди.

— Мана шунингдек, давом этдилар Бахшилла бува,— бу етти сойни табаррук шоиримиз номларини эъзозлаб Етти зоғора деб атайдиган бўлганлар. У кишини ўта тиниқ ўзбек тилида ёзганлар, худди устозлари Аҳмад Яссавий сингари. Аммо у кишига ўхшаб суфийлик қилмаганлар, шайхлик ҳам. Авлодлари Яссавий, Исмоил ота сингари шайхлар авлодларига туташган бўлганидан бу таҳаллус, яъни шайх таҳаллуси қолгандир. Ҳали етганимизда у кишининг мақбараларини зиёрат қиламиз. Зиёратгоҳлари худди ана шу ғор тугаган жойда, ғор оғзида...

Кун тептидай «додға келган далалар, жизғанак ўт-ўланлар иссиғидан нафасинг қайтар даражада бўлганидан йўловчилар Қопқоққа келишлари билан «жаннатга тушгандай бўлдилар, уловларини махсус қоқилган қозиқларга боғлаб, ўзлари самбит топлар соясига ястандилар. Бу бир қуш қўниб ўтадигандай, тўғриси ҳам қуш ўзасидекина шинам жой эди. Қўноқ соҳиби югуриб-елиб, анчадан бери ҳеч ким йўқлигидеким, ҳар нечук жуда меҳмондўстлик кўргазаколди, ҳовузчага ташлаб қўйган сопол кўзасини олиб келиб улар олдига қўйди. Азонлаб гўжа пиширгб ташлаб қўйган эдим, музлаккина, марҳамат қилинглар, ё қимиз берайми, деб тўхтади. Бахшилла махсум қимизни эслатди ва хаёлга ботирди. Аёллар билан гаплашиш истагидаги одамдай кўринарди. Аммо оқсоқол ҳеч нарса англамади, қайта қарамади ҳам. Гўжа у кишига шундай ёқиб қолган эдики, ҳадеб гўжа қуйиб ичарди.

Алоҳа аёл йўлга чиқди. Соядан офтоб яллиғига чиққанида уст-боши қават-қават ва кенг, ҳалпиллаган бўлишига қарамай қоматини билинтирарди, чиройли, тикка ўрта бўйи, одим отишлари тағин нималарнидир эсга солгандай бўлди, Бахшилла махсум беихтиёр ўрнидан турди ва аёл томонга икки-уч қадам қўйди. Бироқ, истихолада тўхтади. Аёл ўтлаб анча йироқлашиб қолган эшагига етиб олиш учун қадамини тезлатди. Оқсоқол қайтиб ўтирди ва яна гўжага тутунди. Лекин барибир бу аёлни қаерда кўргани-нини, унинг кимлигини жуда-жуда эслагиси келарди, ҳатто энди гаплашишдан ҳам тоймаслигини ҳис қилди. Аммо у аллақачон қирдан ошиб кетиб бўлган эди. «У ким бўлди...—ҳаёли қочди унинг, — эшак ҳайдаб келишидан ироқликмас, шу атрофдан Турбатданмикин... Турбатликмас, билардим. Қишлоқда ҳамма катта-кичикни биламан. Бизда бунақа чиройли аёл кам, бунақаси эса бу ўртада бўлган эмас. Ёши нечадайкин... эллликлар атрофидаёв... Элликлар атрофида бўлса нега сочлари оқариб кетган, қошларигача. Йўқ, элликдамас, катта... Қариб қолган, ҳисси-хаёли сўнган...» Бўлмасам безътибор бўладиганмас. Қўноқ соҳибидан сўрасаммикин... Уят бўлмасмикин»... —Аста унинг ёнига борди, оммо «бу аёл ким бўлади» деб сўраш ўрнига «шу ерликмисиз» деёлди, холос. У оқсоқолнинг саволига унча тушунмади. Оқсоқол қайтиб борибжойига ўтирмоқчи эди, ўтиролмади, «қани кетдик» дедию, йўлга тушиб кетишди...

Озгина юришганидан кейин бир текисда йўртиб кетаётган уловлари устида, оптоб элитдачи, Бахшилла махсум онгилгиси келмаймиаллақандай мақомдаи хиргойи кила бошлади:

Десангизким, жон
сипар қилгил, Отойим,
Турубмом ушмунок,
ўлдур, от, ойим!
Кулингмен соқласенг,
жоним борингча,
Агар соқлолмасанг
сен бил, сот, ойим!
Неча сарҳуш эсанг
хунинг майиндин,
Вафо жоми майиндин
ҳам тот, ойим.
Бақосиздур бу беш
кун умри фоний,
Бокойин ой юзинга
бот-бот, ойим!
Фалактин ўткарурман
меҳрни ўкин,
Десангизким, қайдасен,
оё, Отойим!?

Оқсоқол бу кўшиқни шундай ширин хиргойи қилдиларки, Еттинчи зоғора сойига аллақачон тушиб борганимизни ҳам билмай қолибмиз.

— Ҳамон хаёлингизда мавлоно Отойия, мақсум,—деди кимдир гўё йўртиб бораётган эшагига аста қамчи босиб.

— Йўқ, гап энди Отойидамас, — деди гўё жавоб қилгандек у ҳам, —ҳалиги аёлда!..

— Ҳалиги аёл-да? — Тағин ўша ички овоз савол берди.

—Наҳотки танимадингиз? У шундай сеҳргар аёлки, уни эслямасдан иложим йўқ эди... У қўшиқни эшитиб қайрилди қўналғага. У танади...

— Қўшиққа келди? Отойининг ғазалига? — Яна ҳалиги овозни эшитди оқсоқол.

— Бу қўшиқни наҳотки билмасангиз? Бу ахир Арабнинг қўшиғи-ку; ошиқ Арабнинг.

— А-.. —Бирдан қаттиқ «А» деб юборди, эслади, у овоз хайратда, у кетган томонга ўгирилди, тепаликка қараб бостирибкетди. У тепаликка етди, қир устида пешонасига кафтларини қўйиб узоқ қидирди. Бироқ, аёл аллақачон тепалар, қирлар орасига кириб йўқолган эди... Шундай қидиргиси келди, Бахшилла махсум уни...

— Наҳотки у эди, наҳотки...—тағин ўзи тасдиқлади, —ҳа, ҳа, у эди. У хаёл оқсоқолни ўйлар, унинг кайфидан қуларди гўё.

— Ахир у қариб қолган, олтмишни орқалаб юрибдику?!..

— Олтмиш... —Озгина ўзини босиб, ҳовридан тушиб кулди оқсоқол. —Танидимми? Танидимикин?

— Нега танимасин?! Нима, паранжидамидингиз, танимайди, ойинаи жаҳон замонаси бўлса, кимсан палончи бўлсангиз, нега танимасин? Ахир у қўшиққа қараб келди.

— Қўшиқ. Бу қўшиқни энди ҳамма айтади.

— Нега бўлмаса ҳеч нарса демади?

— Нима ҳам дерди, қўшиқ! Кечиринг, Бахшилла ака, мен сизни хақорат қилдим ўшанда, сизга тегмай ўзга бир аҳмоқ билан қочиб кетдим, дейдими? Албатта демайди, таниганда ҳам яқин келолмайди-да! Уруш уларнинг хонадонини антаргўнтар қилиб юборди. Арслондан қора хат келди, ўн иккита боласини боқолмай кўчага чиқди, яхшиям ҳукуматимиз бор, ёрдамга келди, ҳамма болесини болалар уйига олди, ўзига эса қишлоғида иш топиб берди. То турмушини ўнглаб олгунича озмунча азоб кўрдими?

— Ҳозир қайдайкин?

— Узидан сўраш керак эди, — деди яна ўжар хаёл.

— Топишим керак уни, ахир унинг ҳеч кими йўқ, балки ёрдамга муҳтождир...

— Нега ҳеч кими йўқ. Шунча боласи қайга кетди?!

Бахшилла Махсумнинг тинчи бузилди. Уни топишга ахд қилди. Нима қилиб бўлса ҳам топиши керак, нега индамади, нега паришон ҳолда шундай ғарибона ўтиб кетди, нега эшак ҳайдаб юрибди, ким, нима мажбур қилди унинг шу аҳволга тушишга.

— Унинг онаси билан менинг онам бир маҳаллада туғилиб, ўсган дугоналар эдилар. Яна хаёли қочди оқсоқолнинг, — улар бир кунда турмушга чиқишди, қизлик кунлари билан видолашишар экан, йиғлаб турган сўз олишди, биринчи фарзандларини ўртоқ, дугона, егар бири ўғил, бири қиз бўлса, куда бўлишга ваъдалашишди. Ниҳоят шундай бўлди: 1918 йили кўзлари ёрди, менинг онаси мени туғди, унинг онаси уни. Бешик тўйи куни бешиккерти қилишди. Бир маҳаллада бирга ўсдик, ялангоёқ лой кечиб, тупроқ сочиб, тапли ёпиб. Бирга мактаб бордик, у отиноийга, мен домлага. Бир ҳовлида ўқидик, мен Қуръон домлада, у Қуръон домлининг хотинида, аммо у оз ўтмай паранжи ёпинди. Шу-шу бўлди-ю кўрмадим. У вақтда албатта, муҳаббат деган гапдан дарак йўқ эди, аммо оналарими-из қулиб, бешиккерди бўлганимизни айтишарди. У тез ўсиб кетди. Номи тилга тушиб қолди, ота-онаси, баттол акаси мактабга юбормай қўйди, ундабунда бахмал қизил паранжида ўтиб турибди ҳам йўқ бўлди. Энди уни кўриш маҳол бўлди. У вақтда мен бошқача бир хаёлга боролмасдим албатта, фақат бирбиримизга қаттиқ боғланиб қолган эдик, бир кун кўришолмасак сағинардик, яхши ўртоқ эдик... Бу ҳам тугади.

Оз ўтмай дарё томондан яширин борадиган бўлдим, у кўпинча орқа майдонига чиқиб юрарди, деворлари баланд-баланд бўлса ҳам девор орқасидан бир-биримизни билардик. Бир куни...

Кунлар жуда имиллаб ўтарди. Уқишдан келибок, Бахшилла унинг боғи томонга югурарди. Бир куни жилдини уйига ташладию, югуриб чиқиб кетаётганида кўзи бир чиройли очилиб турган қизил гулга тушди, бирдан тўхтади ва у гулни аста синдириб олди, кўйнига солди. Гул қўйнида унинг баданларини тилар, ўймалар, қонталаш қилар, лекин уни қайтиб ололмасди, биров кўриб қолишидан қўрқарди. Гул кўтариб ўрганмаган бола фақат яшириб юриши мумкин эди, холос. У яна Ҳадия бибининг боғи орқасида пайдо бўлди. Уни шундай дейишарди. Атроф боғ, тошлоқ гувуллаб оқиб ётипти. Тошдан-тошга сакраб ўтади тўлқинлар, тошлар бир-бирларига уриладилар. Бахшилла ўраги ҳам худди ўша тошлардай зарбаланади, тўлқин қаяжонга солади, қўйнида ётган гул эса, эзилиши мумкин, у эзилмаслиги керак, синмаслиги лозим, уни биров кўрмаслиги керак. Шу ташвиш ва надоматда ҳар кунги нахрага борди ва аста кесак ташлади. Кесак қайтмади одатдагидай, тағин ташлади, тағин қайтмади, кулоқ солиб кўрди, нафасини эшитмади, тавваккал қилиб деворга ёпишган ўрикка тармашди. Ҳадия сув бўйида ўсма қўйилган қошини ювиб ўтирарди. Эътибор бермаганига ўксинди, алам қилди ҳатто, шунча йил ўртоқ бўлиб, энди ўртоқчиликни узаётганидан ранжиди, ўрикдан тушди, гулини қўйнидан олди-да ғижимлаб ерга отиб урди, кўзларида булоқ-булоқ ёш билан боғ этагидан чиқиб кетди. Бироқ, дарёга етмай тўхтади, қайтиб келди, ғижимланиб, тупроққа қорилиб ётган қизил гулни олди, олиб борибди, Ҳадиялар боғига оқиб кириб кетаётган сувга ташлади ва югурганича боғнинг нариги томонига сув оқиб чиқадиган туйнукка бориб пойлади... Узоқ пойлади, аммо гул чиқавермади, тағин озгина пойламоқчи бўлди, чунки, хаёлида Ҳадия гулни кўрган, тутиб олган, у ҳам бошқа бир гул чиқариши керак эди. У шундай деб пойлаб ўтирди. Бир маҳал гули оқиб чиқди, аммо у унинг қизил гулимасди, оқ атир гул оқиб чиқди, уни сувдан ушлаб олдию, кўнгли бир нима бўлиб кетди, нега бунақа бўлиб кетганини англолмади, уни олиб қўйнига солдию, тағин бояги ерга борди, тағин кесак ташлаб кўрди, тағин жимжитлик. Кейин оқшомни қоралаб уйига кетди...

Эртасига барвақт уйғонди. Уйгонса гули йўқ, бувиси қўйнидан олиб сувга солиб қўйипти. Шундай чиройли гулки, қараб тўймайсан. Бувиси «буни қайдан олдинг, бизникида бундай чинни гул йўқ-ку, болам» деди. Бахшилла бувисига нима деб жавоб беришини билмай турди, аввал, жавоб бермаса бўлмайди, бувисинм яхши кўради, «Байирларникидан» деб кўяқолмоқчи бўлди. Аммо бувиси яхши биладики, бунақа гул Байирларникида ҳеч йўқ. Умуман Турбатда бунақа гул фақат Ҳадиялариникидагина н а. Бувиси билмаганига олиб, «ҳа» деб кўяқолди. Лекин бу гулнинг оддий гул эмаслигини фахмлади-да, бувасига шипшиди, бувси гулга қараб туриб, кулиб ва бувисига «кўшалоқ» экан, деди. Бувиси ҳам у гулнинг кўшалоқлигидан мамнун бўлиб, неваларининг бахти очилаётганидан хурсанд эди. Аммо билишмасдики, бу кўшалоқлик неваларигамас, бошқага эди. Етилиб, екли бутунлашиб қолган Ҳадия Бахшилланинг ҳали ёш болалигини билар, агар уни кутса олам неча бор айланар... Бунга унинг тоқати йўқ эди, буни отаси ҳам, ҳатто ўртоғига сўз берган, бешиккерти қилган онаси ҳам истамасди... Шунинг учун кўшалоқ оқ гул очаси ўргатган «бошим боғлиқ» деган «хатгул» эди. Буни у фахмламади... Бувиси билан бувси ҳам...

Бир куни эрта азонда катта кўчаларидан сивизга овози келди. У шундай сўлим эдики, юрак-юракларингни тимдалаб ташларди. Сивизга овози аввал яқиндан, шундайгина дарвозалари ёқасидан, кейин Ҳадиялар дарвозаси олдидан ўтди, Ҳадиялар дарвозасига борганида бир оз тўхтагандай ҳам бўлди, кейин узоқлашди, гузарғачалли борди-да, узоқлашиб кетди... Бахшилла узоқ ўйлеб ётди уни. Сивизғани ким чалишини биларди, Араб чалмоқдайди.

(Давоми бор).

Сув... консерва қилинмоқда

Калининград балиқ консерва комбинатининг омборидаги кўпдан-кўп консерва банкалари орасида йирик ҳарфлар билан «вода» деб ёзиб қўйилган банкани кўриб ҳайрон бўлдим. Шу сўзнинг остида майдароқ ҳарф билан: «консерваланган ичимлик сув» деб ҳам ёзиб қўйилибди.

Энди мени шундан бошқа консервалар қизиқтирмай қўйди. Кўлимда «сув»ни айлантирардим, банканинг ичи эса вулқулларди.

—Наҳотки оддий сув бўлса, — деб сўрадим.

—Водопровод жўмрагидан олинган оддий сувнинг ўзгинаси, мана, ичиб кўринг, — комбинат лабораториясининг мудираси Н. Надеждинская кулимсираб жавоб қилди ва иккита банкани очди.

Дарҳақиқат топ-тоза, тиниқ сув. Иккала банкадан ҳам бир неча қултум ичиб кўрдим. Н. Надеждинская фарқи борми, деб сўради. Бу банкалардан бири хозиргина чиқарилган, иккинчисининг чиқарилганига икки йилдан ошган бўлсада, суви бирдай ширин эди.

—Шундай банканинг биттаси қанча туради?

Комбинат директори Ю. Назаровнинг жавоби кутилмаган, лекин жуда аниқ бўлди, — банка бебаҳодир.

Ташланик азобини чекиан ҳар бир киши учун бу сўзлар маъноси аён бўлса керак.

Хоҳ бирон кема, хоҳ бирон экспедиция денгизга консерваланган сувсиз жўнамайди. Ҳар бир банкага: «консерваланган сувни тежанг... иложи қолмаган пайтлардагина бу сувни очинг», деган маънода кичикроқ бир инструкция босилган.

Консерваланган сув участкасида хилма-хил машина-ускуналар кўп: уни тайёрлаш жараёни анчагина мураккаб. Биринчидан, сақлаш муддатини мумкин қадар узайтириш учун аскорбин кислота ва лимон кислота қўшган ҳолда сув узоқ муддат, бир неча бор қайнатилади. Лавсан фильтрдан икки марта ўтказилади, шундан сўнг банкаларга 240 грамдан қуйилиб, вакуум шароитда ёпилади. Ҳатто консерваланадиган сув банкалари кўпроқ калайи югуртирилган тунукасининг алоқида навларидан ясалади. Бошқача маза бермаслиги учун банкаларнинг ички одатдаги балиқ консерваларни тайёрлашда бўлгани сингари лакланиб чиқилмайди. Бундай сувнинг сақланиш муддати минус 33 градусдан плюс 66 градус температурада икки йилдан ошади.

Шу ғалати маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланувчи Калининград комбинати ҳар куни сув солинган 8—10 минг та банка чиқаради. Бу банкалар Узоқ Шарққа, Қора денгиз, Каспий денгизи, Болтиқ денгизи, Шимолий муз океани портларига юборилади.

Б. БАБЛЮК,
ТАСС мухбири.

Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. СОДИҚОВ: Мен завод касаба союз комитети раисиман. Менинг ўсмирлар ишлари бўйича жамоатчи инспектор қандай жойларда сайланиши қизиқтиряпти. Шу саволимга жавоб берсангиз.

Жавоб: ВЦСПС Президиумининг 1962 йил 30 ноябрдаги «Ўсмирлар меҳнати ва дам олиши тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан касаба союз ташкилотлари назоратини кучайтириш ва улар билан ишлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида 25 ва ундан ортиқ балоғатга етмаган ёшлар бор жойда касаба союз комитети аъзолари орасидан ўсмирлар ишлари бўйича жамоатчи инспекторини сайлаш тавсия этилади.

* * *

Г. АЗИМОВ: Мен автохўжаликда шофёр бўлиб ишлайман. Бир марта ишга сал кайф ҳолда келганим учун маъмурият мени ишдан бўшатди. Шу тўғрими? Маъмурият ҳақ йўл тутдими?

Жавоб: Агар маъмурият шофёрнинг ишга кайф ҳолда келганини аниқласа энг аввало, уни ўша куни ишга йўлатмаслиги шарт. Иккинчидан унинг кайфини аниқлаш учун медицина кўригига юбориши керак. Шундагина маъмурият уни ишдан четлатишга ҳақлидир. Ҳатто ўзгидан озгина ҳид келиб турганлиги аниқланса ҳам маъмурият шундай қилишга ҳақлидир! Мабодо шофёр бунга қаршилик кўрсатса, маъмурият дарҳол шофёр устидан акт тузиши ва медицина кўригидан ўтишдан бош тортганини кўрсатиб ўтиши керак. Фақат бунда шофердан тушунтириш хати ёздириб олинади.

* * *

Д. МАЛИКОВ: Мен юк ташувчи бўлиб ишлайман. Автохўжалик билан белгиланган кўларни аввалбр эълон қилиш ҳақида шартнома тузганман. Бир куни шундай воқеа бўлди: коктейнерда қандайдир шовқин эшитилди. Тўхтатиб қарасам, баъзи моллар ўғирланган экан. Бунга ким жавоб бериши керак?

Жавоб: Бу ҳақда дарҳол яқиндаги милиция пунктига хабар қилган бўлсангиз, жавобгарлиндан халос бўласиз. Негаки, ўғирланган буюмлар қийматн ўзидек қилган шахсдан ундириб олинади.

* * *

А. БАҲОДИРОВ: Мен ёнимиздаги корхонага ишга кирмоқчи эдим. Корхона маъмуриятига бориб учрашсам, бир ой синов муддати белгиланган қабул қилишларини айтишди. Шу тўғрими?

Жавоб: Меҳнат қонунларига кўра ходимнинг шу ишга лаёқати борми ёки йўқлигини синаш учун синов муддати белгиланади. Аммо сиз айтганча эмас, балки бу муддат бир ҳафтадан ошмаслиги керак. Бу ишчилар учун белгиланган қонда. Энди хизматчилар учун икки ҳафта синов муддати белгиланган. Синов муддати сизни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда албатта кайд этилиши лозим. Аммо 18 ёшга етмаган ёшлар умуман синов муддатисиз ишга қабул қилинадилар.

* * *

Б. МАҲКАМОВ: Транспорт-экспе д и ция хизмати ходими уйга мебелимизни ташиб келтирган эди. Афсуски, буюмга шикаст етказилган. Бу зарарни энди ким тўлайди?

Жавоб: Агар мебелингизга чиндан ҳам ташиш пайтида зарар етказилган бўлса, шу зарар қиймати қанча турса, транспорт агентлиги буни тўлашга мажбур.

Редактор
Ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

3 ЮШКЕНТ
вет. оқшоми

22 СЕНТЯБРЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IX да **Рўйхатларда йўқ.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IX да **Дилафрўзга тўрт ошиқ.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЮРИЙ ЭЛЬВЕРТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ҚУШЛАР ЦИРКИ»НИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

22 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«МАТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ НЎҚ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда) **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда. Телефон 66-15-75).

«ОҚИМГА ҚАРШИ» —**Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ОТЛАРНИ ҚЕЧУВДА АЛМАШТИРМАНДИЛАР»— **Москва** (17, 20.30), **Восток** (17, 20.00), **Санъат саройи** (16.30, 19.45), **Чайка** (20.30), **Фестиваль** (21.20).

«ОҚ ҚАРҒА» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«РОСТГЎЙ, ДОНО, БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозогистон** (жуфт соатларда).

«ОГАРЕВА, 6», ПЕТРОВКА, 38» — **Искра** (16, 19.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат саройи** (17, 19.30).

23 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **Восток** (жуфт соатларда),

«МАТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ НЎҚ»— **ВЛКСМнинг 20 йиллиги номли** (жуфт соатларда) **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75. **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ОҚИМГА ҚАРШИ» — **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ОТЛАРНИ ҚЕЧУВДА АЛМАШТИРМАНДИЛАР»— **Москва** (11, 14, 17, 20.30), **Восток** (11, 14, 17, 20.00), **Санъат саройи** (11, 13.45, 16.30, 19.45), **Чайка** (12, 15, 18, 20.30), **Фестиваль** (21.20).

«ОҚ ҚАРҒА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«РОСТГЎЙ, ДОНО, БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт соатларда) **Қозогистон** (жуфт соатларда).

«ОГАРЕВА, 6», «ПЕТРОВКА, 38» — **Искра** (16, 19.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

Ҳамза районидаги 230-ўрта мактаб томонидан **Ҳолмуминов Анвар Тўхтаевич** номига берилган 559103 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган

МАРКАЗИЙ КУРСЛАР
1981—82 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар:

Ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Машғулотлар математика, физика, химия, биология, она тили ва адабиёт, тарих ва чет тиллари (инглиз, немис) **дан ҳафтасига уч марта соат 19.00 дан университет биносида** (студентлар шаҳарчаси) **олиб борилади.**

Ҳужжатлар душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 17.00 дан 20.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими, математика факультетининг 5-қават 501-хонасида қабул қилинади.

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» трестининг ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

техник хизмат кўрсатиш бўйича слесарь ремонтчилар, совутиш ва савдо-технология ускуналари монтажи ва ремонти бўйича слесарь-ремонтчиларни тайёрлайдиган

4, 5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 20 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ, КАМИДА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ЯШОВЧИЛАР МАЪМУРИЯТ БИЛАН БЎЛАДИГАН СУҲБАТДАН СЎНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Курсларга қабул қилинганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри 32-алоқа бўлими, Куйбишев райони, Грампластинка кўчаси, 40-уй (1-«э», 24-«э», 17-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати). Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

ШИША ИДИШЛАР—МАГАЗИНГА!

Ҳар бир оилага қатиқ, сметана, майонез, ўсимлик ва пахта мойи, шарбат, минерал сувлар, сиркаланган сабзавот ва мевалар, компотлар керак. Аксарият ҳолларда ошхона пештахталарида, жавонларида ана шу маҳсулотлардан бўшаган кўплаб идишлар бекор жойни эгаллаб ётади. Улардан ҳеч қандай фойда йўқ, шунинг учун ҳам уй бекаси бундай идишларни ташлаб юборади.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

САНОАТИМИЗ БЎШ ШИША ИДИШЛАРГА МУҲТОЖ. ШИША ИДИШЛАРНИ МАГАЗИНЛАРГА ТОПШИРИНГ!

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО БЎЛИМИНИНГ
ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИ АҲОЛИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:



16—Фоменко кўчаси, 64-уй.
19—9-Март кўчаси 59-уй.
50—Новий путь кўчаси, 92-уй.
8— Қўйлиқ массиви, 47-уй.
20—Қўйлиқ массиви, 6-уй.
2/1—Вокзалолди майдони.
10/3—Қўйлиқ бозори.
12/6—Стародубцев кўчаси, 146-уй.
20/5— Қўйлиқ массиви, 16-уй.
30/1 —Куйбишев шоссеси, 844-уй.
18 — Қўйлиқ массиви, 1-уй.
21, 3-Қўйлиқ массиви, 3-уй.
22—Мунис кўчаси, Д—1.
33— Червяков кўчаси, 51-уй.

ШИША ИДИШЛАРИНГИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАГАН ТАҚДИРДА 99-78-12 ТЕЛЕФОНИ БЎЙИЧА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ДЕПУТАТНИНГ ҚАБУЛ СОАТИ»

НОМЛИ ЯНГИ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ

Постановкачи режиссер— А. ПАВЛОВСКИЙ.

Ролларда: В. ВОЛКОВ, Н. ГРИНЬКОВ, Н. ШУМИЛОВА ва бошқалар қатнашадилар.

Шаҳар Советига сайловлар тугади. «Космос» кинотеатрининг киномеханиги Алексей Алексеевич Серафимов депутат қилиб сайланди. Энди у давлат арбоби, масъулиятли шахс, жамоатчилик ишлари билан банд бўлади. Мана у сайловчилар билан биринчи учрашувга бормоқда. Учрашув ғишт заводи ётоқхонасида бўлади. Ётоқхонада яшовчилар бу ерга 30-йилларда келишган бўлиб, улар қурган ғишт заводи маҳсулотидан кейинчалик бутун шаҳар қад кўтарган. Серафимов бугун шу кексалардан биринчи наказ олади: тўрт йилдан бери маъмурият томонидан ётоқхонани капитал ремонт қилишга ваъда бериб келинмоқда эди. Ёш депутат бу ишни осонликча ҳал бўлади деб ўйлайди, лекин у ёрдам сўраб мутасадди ўртоқларга мурожаат этганида улар ҳар хил баҳонани рўкач қилишади...

ОДЕССА КИНОСТУДИЯСИ ИШЛАГАН.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трести

Тошкент шаҳрида ишлаш учун минорали кран машинистларини тайёрловчи

КУРСЛАРГА
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 4,5 ой. Ойига 75 сўм стипендия берилади.
Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Академик Сулаймонова кўчаси, 49-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЯНГИ КОНСЕРВА КОМБИНАТИГА

4, 5, 6-разрядли токарлар, слесарлар, 4, 5-разрядли совутиш аммиакли ускуналарининг машинистлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай— мукофотли

Мурожаат учун адрес: Оржоникидзе райони, Салор ГЭС посёлкаси (103, 102-маршрутли таксилар; 117, 115-автобусларнинг «Салор ГЭС» посёлкаси» бекати.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

МЕХАНИКА, РАДИОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ, ИНЖЕНЕРЛИК ЭКОНОМИКАСИ, АЭРОПОРТЛАР, ЕҚИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли кучларидан запасга бўшатилганлар сафидан тўла ўрта маълумотга эга бўлганлар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар камида бир йил узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак. Қуролли кучлар сафидан запасга бўшатилганлар ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан, бир йил давомида ўқишга киришлари мумкин. Тайёрлов бўлимига кириш учун йўлланма бевосита корхона раҳбари томонидан берилади.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларнинг ҳаммаси билан физика ва математика фанидан суҳбат ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига йўлланган шахслар ариза, йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусҳаси), характеристика, саккизта фотосурат (3х4 см). медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасининг кўчирмасини топширадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларнинг барчаси медицина кўригидан ўтадилар ва институтда ўқишга яроқли экани ҳақида ВЛЭК хулосасини кўрсатадилар.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар институтнинг биринчи курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

ТИНГЛОВЧИЛАРГА 1-КУРС СТУДЕНТЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ ВА ЁТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, ГСП, Пролетар кўчаси, 41-уй, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси кадрлар бўлими.

БУ КЕРАКЛИ КАСБ



КИМ БЎЛСАМ ЭКАН? ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК? Ана шу масала бизни ёшлигимиздан ҳаяжонлантириб келади. Шоферми, врачми, қурувчими, ким бўлсам экан?

ЭҲТИМОЛ СОТУВЧИ БЎЛИШНИ ИСТАРДИМ?!

Сотувчилик касби — оммалашган ва кишиларга керакли касб. Сотувчи—харидорнинг содиқ ёрдамчиси ва маслаҳатчиси. Бизнинг кайфиятимиз билан нечоғлик эътиборли ва хушмуомалалигига, қандай хизмат кўрсатишларига боғлиқ.

БУГУН, ЁШЛАР, БИЗ СИЗЛАРГА
«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»нинг

47-МАКТАБ МАГАЗИНИГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГ, ДЕБ МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ!

МАКТАБ-МАГАЗИН —ЯХШИ ВА ШОНЛИ АНЪАНАЛАРГА БОЙ САВДО КОРХОНАСИДИР.

У шу ерни тамомлаб чиққан кўплаб ёшларга ҳаётга йўлланма берди.

Уч ойга мўлжалланган назарий курсдан Сиз товаршунослик, савдо хизмати, совет савдосини ташкил этиш, совет ва меҳнат ҳуқуқи, психология, этика ва эстетика соҳасидан билим эгаллайсиз. Бевосита магазин пештахталари ортида ўтказиладиган амалий машғулотлар пайтида эса кейинги ишларингизда асқотадиган меҳнат кўникмаларини эгаллайсиз.

Ўқиш муддати — 6 ой.

МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАРГА ХЎЖАЛИК-МАДАНИЙ РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ.

Мактаб-магазини синф хоналари замонавий савдо-технология ускуналари, зарур ўқув ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

ЎҚИШ —РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

10 синф ҳажмида маълумотли қизлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аттестат, паспорт, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика. Агар бўлса меҳнат дафтарчаси. Турар жойидан справка, иккита фотосурат (6х9 см. ҳажмда).

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЎҚИШНИ ТАМОМЛАГАНЛАРИДАН КЕЙИН «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй. 2, 3, 18, 34; 50; 54; 80-автобуслар: 4, 7, 9, 11, 21; 24-трамвайлар: 2, 6: 13; 16-троллейбусларда «Тўқимачилик комбинати» бекатигача бориш мумкин. Телефон 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«ОЛМОС»
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Халқимизда: «—соатсиз киши, худди қўлсиздек, бўлади деган гап бор. Ҳақиқатда ҳам соат бизнинг вақтни тўғри аниқлашимизда, бирон бир жойга отланишимизда жуда қўл келади.

Мамлакатимизнинг Москва, Пенза, Минск, Углич, Чистопорский ва бошқа соат заводларидаги конвейерларида ҳар йили миллионлаб соатлар ишлаб чиқарилади. Бу соатлар хили, белгиланиши, корпусининг формаси ва кўриниши жиҳатидан жуда хилма-хилдир. Бу соатлар чиройли ва модали. Улар шунчалар хилма-хилки бирини-биридан ажратиш осон эмас.

Минскдаги «Луч» соат заводи ниҳоятда аниқ, пухта ва чиройли соатларни яратган. «Луч» маркали соатларни фақат мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга жаҳоннинг Болгария ва Польша, Англия ва Бразилия, Франция ва Руминия каби кўплаб мамлакатлар бажонидил харид қилишади.

«Полет» соатлари ҳам киши диққатини ўзига тортади. Бу соатларни бураб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар қўл ҳаракати билан автомат равишда юраверади. Соатда қўш календарь ўрнатилган бўлиб, зарбга чидамли, чанг ва намдан қўрқмайди.

Хотин-қизларга Пенъзада ишлаб чиқарилган «Заря» соатларини тавсия этамиз. Булар биринчи классли соатлардир. Ташқи томони чиройли ишланган, безаклари ҳам хилма-хил, аниқ юради, чидамли ва чиройли.

«СЛАВА», «ВОСТОК», «РАКЕТА», «ЗИМ» МАРКАЛИ СОАТЛАР ХАРИДОРЛАР ТОМОНИДАН ЯХШИ ДЕБ БАҲОЛАНГАН.

«ОЛМОС» МАГАЗИНЛАРИДАН «ЧАЙКА», «ПОЛЕТ», «СЛАВА», «ЛУЧ» ҚЎЛ СОАТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗ ТУРЛИ ХИЛ МАРКА ВА МОДЕЛДАГИ СОАТЛАРНИ «ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:



1-«ИЗУМРУД» — Т. Шевченко кўчаси, 31-уй.
2-«РУБИН» —Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
10—Октябрь бозори.
13—Навоий кўчаси, 1-уй.
14—Олой бозори.
17—Госпиталь бозори.
18—Навоий кўчаси, Шаҳар ярмаркаси.
22—Муқимий кўчаси, 22-уй.
26—Бешоғоч бозори.
27—Ленин кўчаси, 40-уй.
36—Куйбишев кўчаси 5-уй.
39—Чилонзор массиви, 19«а» квартали, 20-уй.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

22 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси,

17.45 Кабарда-Болқар АССР «Кабардинка» Давлат рақс ансамблининг концерти. 18.30 «Пропагандист ҳақида сўз». Телевизион очерк. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» Украина ССР Фанлар академияси Г. О. Патон номли электр-пайвандлаш институтининг фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги тажрибаси ҳақида. Кўрсатувда Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва ССР Давлат мукофотларининг лауреати, академик Б. Е. Патон иштирок этади. 20.00 «Куз оҳанги». Фильм-концерт. 20.10 «Иккинчи авеню маҳбуси» Телевизион спектакль премьераси. Автор — Н. Саймон. 21.30 «Время». 22.05 М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат боғида ёшлар кечаси. 23.30 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун фильм. «Агапич». 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Нон, нон, нон». Адабий музикали композиция. 18.40 «Юмор» телевизион театри. С. Сиёев. «Оғир вазнли жанжалкаш аёл». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Кинопублицист экрани». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта «Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 18.55 «Тавриялик қизлар». Фильм-концерт. 19.20 Эстетика асослари. Эстетиканинг асосий категориялари. Гўзаллик ва ҳунуклик (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР Конституцияси — мамлакатимизнинг Асосий қонуни. 20.50 «Булутлар остидаги бўғулар». Телефильм. 21.00 Ўқитувчи экрани 21.30 МТ — IV.

23 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси,

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ҳўжаликни бошқариш тажрибасидан. Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Тезлатиш», «Раис ҳикояси». 16.15 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 17.00 «СССР халқ артисти М. Бойтес қуйлайди». Фильм-концерт. 17.30 «Горнчилар, қаердасиз?» 18.00 Гнесинлар номли Давлат музика-педагогика институти камер оркестрининг чиқиши. 18.25 Мирзо Турсунзода ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.55 «Кичик компания учун катта сир». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Ульяновскдаги ноёб станоклар заводида металлни тежаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида. 19.55 «Бу ер менинг қадрдон уйим». Фильм-концерт. 20.20 «Олам кинокамера кўзгусида». XII Халқаро кинофестивалининг ҳужжатли фильмлари. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Туркия терма командалари. 23.45 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. Электромагнит тебранишлари. 12.00 «Кувонч». Фильм-концерт. 12.30 Физика. Электромагнит тебранишлари (рус). 13.00 «Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 1-серия.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Ўйлбарслар». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Моҳир қўллар». 18.45 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. «Мусобақа — омма ижоди». 19.05 Р. Бобожон. «Минг бир турна». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри 45-мавсумининг очилиши. «Баҳор» концерт залидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри 45-мавсумининг очилиши (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Қадимий Шаҳрисабз ерида». 22.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.45 «Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 2-серия. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 Болалар учун фильм. «Қувноқ одамчалар клуби». 18.50 СССР халқларининг куйлари. 19.30 «Қонун қўриқчилигида». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР Конституцияси — мамлакатимизнинг Асосий қонуни (рус). 20.50 Эстетика асослари. Эстетиканинг асосий категориялари. Гўзаллик ав ҳунуклик 21.30 МТ — IV.

Пахта целлюлозасининг химиявий технологияси илмий-тадқиқот институти коллективи пахта целлюлозасини ишлаб чиқариш цехи бошлиги Р. Ҳ. Хамидовга отаси

Хамид ТУЛАГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-56-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —33-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-90-50.

22 СЕНТЯБРЬ, 1981 й. Р—07363. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2198. индекс 64581. 9